СССР Давлат китоб палатаси
8 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 64 (20.931) 1991 йил 3 апрель, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

30 март куни кечқурун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов, Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, республиканинг бир қатор вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирокидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда биринчи даражадаги зарур молларни меъёри билан тарқатишга ўтиш борасидаги ишни ташкил этишдаги мавжуд нуқсонлар тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Шу нарса таъкидландики, Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети, район Кенгашлари ижроия комитетлари, Савдо бош бошқармаси ва район озиқ-овқат савдоси идоралари коммунист-раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига асосий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларни сотишни барқарорлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ва Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг ички бозордан ҳимояланишни кучайтиришга, Тошкент аҳолисини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг асосий турлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган шу масала юзасидан қабул қилган қарорини бажариш борасида жиддий нуқсонларга йўл қўйилганки, бу нарса тошкентликларнинг ҳақли эътирозлари ва кўплаб шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Район Кенгашларининг ижроия комитетлари, турар жой органлари томонидан аҳоли турар жойлари бўйича уларнинг рўйхатларини тузиш ҳаддан ташқари бўш ташкил этилган, кўпчилик ҳолларда бу юмуш савдо ходимларининг ўзига қайта топширилган. Шунинг оқибатида рўйхатлар тўлалигича тузилмаган, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини олишлари керак бўлган қайси дўконларга бириктириб қўйилганликларидан хабардор эмаслар.

Озиқ-овқат дўконларига аҳолини бириктириб қўйиш бир меъёрда қилинмаган, уларнинг айримларига хизмат кўрсатилиши керак бўлган одамлар сони 3—4 минг ва ундан ҳам ортиқ кишини ташкил этадики, бу нарса рўйхатга олишни қийинлаштиради, асабийлик ва норозилик ҳолатларини келтириб чиқаради, керакли ёзувларни расмийлаштириш учун одамларни соатлаб навбатда туришга мажбур қилади. Бир қатор дўконлар бу ишга умуман жалб этилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Савдо бошқармаси (ўртоқ Р. Ю. Ўрозбоев) савдони қайта ташкил этиш юзасидан, дўконларнинг секциялари ўртасидаги улар бажарадиган ишларнинг меъёрида бўлишига қаратилган чора-тадбирларни белгиламади. Қўшимча савдо нуқталарини очиш имкониятлари ҳам қидирилмади, ваҳолонки, шундай қилинганда юз берган тангликни юмшатишга имкон туғилган бўлур эди.

Савдо корхоналари билан бириктириб қўйилган районлар ўртасида ажратилган молларни олиш учун мавжуд бўлган фондлар тўлалигича қайта кўриб чиқилмади, аҳолини биринчи даражали зарур бўлган моллар билан кафолатли таъминлашга қаратилган чора-тарбирлар белгиланмади. Савдо қондаларини бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда, молларни беркитиб қўйиш ҳоллари содир бўлмоқда, харидорларга нисбатан қўполликлар вазиятни яна ҳам кескинлаштирмоқда. Энг кўп нуқсонларга Куйбишев (Ш. Т. Нусратов, А. А. Аҳмаджонов ўртоқлар) ва Киров (Р. А. Калонов, А. Қ. Қосимов ўртоқлар) районларида йўл қўйилмоқда.

Юз берган ана шундай аҳвол кўп жиҳатдан Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, коммунист С. Т. Тошқулов томонидан ана шу ишни етарли даражада ташкил этмаганлигининг, Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети Савдо бош бошқармасининг бошлиғи, коммунист Р. Ю. Ўрозбоев томонидан, район Кенгашлари ижроия комитетларининг раислари, район озиқ-овқат савдоси идоралари директорларининг ана шу муҳим ишга раҳбарликдаги нуқсонларининг, район партия комитетлари томонидан назорат бўшаштирилганлигининг оқибатидир.

Шаҳар партия комитетининг бюро мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади. У жумладан, шаҳар партия комитети бюроси, унинг котиблари, шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари ва жойлардаги партия, совет органлари томонидан ташкилотчилик ишларининг бўшаштириб юборилганлигини кўрсатиб ўтди. Шу нарса таъкидландики, етарли тартибни таъминлашга даъват этилган бир қанча мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги туфайли юзлаб кишилар азият чекмоқдалар ва ишда айбдор бўлган ҳар бир киши тегишли жазо олиши керак. Фаолларни бу ишга шундай жалб этиш керакки, токи 3—5 кун ичида ҳамма нуқсонлар барҳам топсин, меъёрли савдо таъминоти масаласида етарли тартибни таъминлашдан ташқари, бус-бутун олганда шаҳарликларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш системаси яхшиланиши керак.

Ана шу мақсадлар учун Кенгашларнинг раислари бошчилигида шаҳар ва районларнинг штаблари ташкил этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси ва Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети биринчи даражадаги зарурий молларни меъёри билан тарқатишни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлари учун Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқуловга ҳайфсан эълон қилди ва бу иш 3—4 кун мобайнида тузатилмаса партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилган ҳолда уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш ҳақидаги масала қўйилади. Савдо корхоналари ишидаги нуқсонлари, биринчи даражадаги зарурий молларни меъёри билан аҳоли турар жойларида тарқатишга ўтишни ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирларни белгиламагани учун Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети Савдо бош бошқармасининг бошлиғи Р. Ю. Ўрозбоевга ҳайфсан эълон қилинди. У ҳам агар яқин кунлар ичида аҳволни яхшиламаса, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масала қўйилиши хусусида огоҳлантирилди. Куйбишев ва Киров районларидаги дўконларда меъёри билан молларни тарқатиш бўйича ишни ташкил этишдаги қўпол хаталари, аҳолининг норозиликларига олиб келган биринчи даражадаги зарурий молларни сотишдаги ижтимоий адолат принциплари бузилишига йўл қўйилганлиги учун Куйбишев ва Киров районлари озиқ-овқат савдоси идораларининг директорлари К. Абдуллаев ва Т. Ўлмасовларнинг бундан буён шу лавозимда қолишлари мақсадга мувофиқлиғи масаласини қараб чиқиш топширилди.

Район Кенгашлари ижроия комитетларининг коммунист-раислари юзага келган аҳволни тузатиш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўришга шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантирилдилар. Район партия комитетларининг биринчи котибларига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ижтимоий адолат принципларига риоя қилиш бўйича ишларни назорат остига олишлари топширилди.

* * *

Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков раислигида шаҳар штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Штаб аҳоли турар жойларида озиқ-овқат молларини меъёри билан тарқатишнинг аҳоли учун янада аниқ ва қулай, суиистеъмолчилик ҳоллари юз бермайдиган, ортиқча сайъи-ҳаракатлар ва вақт сарфламай хотиржам ва кафолатли равишда маҳсулотларнинг белгиланган қисмини олишни таъминлайдиган усулини ишлаб чиқди. Бу усулни жорий этишнинг аниқ муддатлари ва унинг аниқ ижрочилари ҳамда унга жавобгар шахслар белгиланди.

ДЕҲҚОН БАҲОРИ БАРОРИДАН КЕЛСИН

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли давлат хўжалиги деҳқонлари чорва озуқаси учун маккажўхори экишни қизитиб юборди. Айниқса, «Ўзбекистон» кооперативи аъзолари бу ишда пешқадамлик қилмоқдалар. Улар экишни бошлаб юборганларига анча бўлди. Миришкорларнинг нияти — бу йил ҳар гектар майдондан 65—70 центнердан дон олиш.

Суратларда: 1. Хўжалик далаларида маккажўхори экиш пайти. 2. Кооператив раиси Абдужаббор Ирисбоев, звено бошлиғи Олқор Умурзоқов, бош агроном ёрдамчиси Абдулла Усмонов навбатдаги ишлар ҳақида фикрлашмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ туширган суратлар.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қ а р о р и

КЕЛИН-КУЁВЛАРГА МЕБЕЛЬ, ГИЛАМ ВА ГИЛАМ ПОЕНДОЗЛАРНИ СОТИШНИНГ ИМТИЁЗЛИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг миллий хусусиятлари ва анъаналари муносабати билан келин ва куёвларни чакана нархлар кескин ошган шароитда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сонли қарори 4-бандининг биринчи абзаци қисман ўзгартирилиб, 1991 йил 3 апрелдан бошлаб биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин ва куёвларга битта гилам ёки гилам поендоз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган битта мебель йиғмаси ёки мамлакатимизда ишлаб чиқарилган йиғмага ва гарнитурга кирмайдиган бошқа мебель буюмларни шартнома (эркин) нархларнинг, бошқариладиган ёки белгилаб қўйилган нархларнинг 75 фоизини, лекин ҳар оилага кўпи билан 1500 сўм чегириб сотиш жорий этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р и г а ш а р ҳ

Маълумки, Иттифоқ ҳукумати 1990 йил 15 ноябрдан мебель гарнитурлари ва гиламларга шартнома нархларини жорий этганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР ҳукумати шартнома нархларини мазкур молларни келин-куёвлар сотиб олаётган тақдирда 40 фоиз, лекин ҳар оилага кўпи билан 800 сўм чегириш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Шу йил 2 апрелдан кучга кирган чакана нархлар ислоҳоти мебелнинг барча турлари, шу жумладан мебель гарнитурларига кирмайдиган турларининг, шунингдек гиламларнинг чакана нархини оширишни кўзда тутади. Республика ҳукумати қарор топган миллий анъаналарни ва ёш оилаларга мадад беришнинг катта ижтимоий аҳамиятини кўзда тутиб, ана шундай молларни харид қилиш чоғида уларнинг нархини чегириш миқдорини деярли икки баравар кўпайтириш имкониятини қидириб топди. Ушбу қарор билан берилган имтиёзлар учун харажатлар салкам 250 миллион сўм миқдорида бўлади, деб баҳоланмоқда, бу эса ёш оилалар бюджетига салмоқли қўшимчадир.

Мазкур молларни биринчи марта никоҳдан ўтган шахсларга имтиёзли сотишнинг аниқ тартиби граждан-лик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, халқ депутатлари қишлоқ (овул), посёлка Советларининг ижроия комитетлари томонидан икки ёки бир кишига имтиёзли нархлар билан мебель, гилам ёки гилам поёндоз сотиб олиш ҳуқуқига справка берилишини кўзда тутади. Бундай ашёларни сотиб олиш учун буюртмалар рўйхатга олинган кундан бошлаб бир ой ичида расмийлаштирилиши керак. Савдо ташкилоти мазкур справка ва никоҳ гувоҳномасига асосланиб, мебель ва гиламни сотилаётган нархини 75 фоиз миқдорида, лекин икки кишига 1500 сўмдан ёки бир кишига 750 сўмдан ошмаган миқдорда чегириб сотади.

Магазинга мурожаат қилинган пайтда зарур моллар бўлмаган тақдирда буюртма расмийлаштириб қўйилади. Мол келиши биланоқ магазин келин-куёвларга таклифнома юборади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ

Қува районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигидан хушхабар келди. Бу ерда «Совет Ўзбекистони» боғи барпо этилди. Бу ташаббусни хўжалик бошқарувининг раиси, «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси Мусажон Шербўтаев бошлади.

Бу йил 310 гектар майдонда боғ-роғлар яратилди. Эндиликда хўжалик боғлари 1000 гектарга етди. Яқинда қирадирлар бағридаги катта майдонларга оммавий равишда кўчат этиш ишлари бошлаб юборилди. Айни кунларда хўжаликда кўчат экиш билан бирга эски боғларни таъмирлаш, дарахтларга шакл бериш ишлари ҳам авжида.

И. ШЕРМАТОВ.

НИҲОЛЛАР ГУЛГА КИРДИ

Меҳнатобод районидаги «Страна Советов» давлат хўжалиги чўлқуварлари уч йил бурун 10 гектарлик янги боғ яратишган эди. Шу кунга қадар боғнинг умумий майдони 53 гектарга етди. Шуниси қувончлики, дастлаб экилган ниҳоллар гулга кирди.

Лекин илгари фақат пахта етиштириб келинганн туфайли ўз касбининг устаси ҳисобланган боғбонлар хўжаликда йўқ ҳисобн. Шу боис бу вазифа пахтакорларга топширилди. Хўш, буёғи нима бўларкин! Ниҳоллар ҳоли не кечаркин! Мана шундай ҳаёлларга борган кишилар ҳам бўлди.

Хайриятки, боғбонлик илмидан хабари бор, тажрибали кишилар қараб туришмади. Шундай инсонлардан бири Исоқул Тожиқулов боғни оталиққа олди. У Ховосдаги «Мичурин» номли боғдорчилик совхозида 20 йил тажриба тўплаган экан. Чўлқуварларнинг беш оиласи бир звенога бирлашиб, кўмакка келишди. Исоқул Тожиқулов таклифи билан Тожикистоннинг тоғ ўрнидан 20 минг туп олиб келиб ўтказилди. Шунингдек, 5 минг туп ток қаламчаси, 2,5 минг дона олма кўчати ва 30 минг топ, терак қаламчаларини экиш барвақт ва сифатли амалга оширилди.

— Бу йилги тадбирни кўчат экишдан эмас, экилган ниҳолларимизга боғбон топишдан бошладик, — дейди хўжалик директори Қурбон ака Холназаров. — Ахир карвон сарбонсиз, боғ боғбонсиз бўлмайди-да.

Ш. РУЗИЕВ,
Сирдарё вилояти.

ТАНГЛИККА ҚАРШИ ДАСТУР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

1 апрель куни СССР Президенти М. С. Горбачев СССР Вазирлар Маҳкамаси томонидан танглика қарши дастурни тайёрлаш ишлари қандай бораётганини кўриб чиқди. Муҳокама чоғида М. С. Горбачев бу ҳужжатнинг руҳи ва мазмуни ҳақида мулоҳазалар айтди. Дастур лойиҳаси устидаги ишни бир ҳафта муддат ичида ниҳоясига етказиш зарур, деб топилди.

Айни вақтда СССР Вазирлар Маҳкамасининг халқ истеъмоли моллари ва хизматларнинг чакана нархлари ўзгариши муносабати билан ўтказиладиган иш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

(ТАСС).

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАКТУБИГА ШАРҲ

СССР Президентининг матбуотда эълон қилинган республикалар Олий Кенгашлари ва ҳукуматларининг раҳбарларига мактуби аҳоли учун жуда муҳим масалага дахиллидир.

Маълумки, сўнгги вақтда асосий озиқ-овқат маҳсулотларига, кўпгина ашёвий молларга «шартнома» нархлари, деб аталган нарх пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Бу ҳодисанинг сабаби бозор муносабатларига ўтишни нарх белгилаш соҳасида хоҳлаган ишни қилиш мумкин, деб нотўғри тушунишдир. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам бунда жуда салбий роль ўйнади.

Афсуски, Москва шаҳар Советининг ижроия комитети бундай ғайриқонуний ишда намуна кўрсатди. У ўтган йилнинг август ойида савдо корхоналарига аҳоли учун молларни сотиб олиб, уларни давлат савдо тармоқларида оширилган шартнома нархларида сотиш ҳуқуқини берди.

Аҳолини моллар билан таъминлашни ташкил этишга доир кундалик зўр бериб қилинадиган ишларни бундай молларни қўшнилардан оширилган нархларда сотиб олиш билан алмаштирилиши таъминотни яхшилашга олиб келиши мумкин эмасди, яхшилашга олиб келмади ҳам. Бу чала ишлар учун қийинчиликлар аҳоли бошига тушди. Гўшт, балиқ, туҳум ва бошқа жуда кўп асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари кескин даражада ошди, ошхоналарда таомлар нархи қимматлашди.

Асосий истеъмол моллари-га шартнома нархларини қўлланиш республикалар билан келишилган нарх сиёсати қоидаларига зиддир. ССР Иттифоқи билан республикаларнинг битимида бундай молларнинг белгилаб қўйилган давлат чакана нархлари сақлаб қолиниши кўзда тутилган. Барча гуруҳлардаги моллар нархининг энг юқори даражаси белгилаб қўйилганки, бундан юқори нарх белгиланиши мумкин эмас.

СССР Олий Кенгаши ўз қарори билан СССР Вазирлар Маҳкамаси зиммасига давлат нарх интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш, молларни келишилган даражадан юқори нархда сотиб ортиқча олинган даромадни корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллий идоралардан тортиб олиш вазифасини юклади.

Қатъий ҳаракат қилиш учун ҳуқуқий асосга эга бўлган нарх белгилаш идоралари чакана нархларда тартиб ўрнатиб, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашлари керак. Бироқ идоралар аҳолининг мададисиз бу вазифани ҳал қила олмаса керак. Бунинг учун аҳоли ўз ҳуқуқларини билиши лозим. Белгилаб қўйилган чакана нархларда сотилаётган молларнинг рўйхати дўконда, ҳар бир савдо корхонасида деворга осиб қўйилган бўлиши лозим. Бу ҳақда маҳаллий ҳокимият идоралари, истеъмолчилар жамиятлари биргаликдаги куч-ғайратлар орқали нархлардаги ўзбошимчаликка чек қўйиб, маърифатли бозор сари ҳаракатни бошлаш учун жон қуйдиришлари керак.

(ТАСС).

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

НАРХ ОШИРИЛДИ. АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби И. А. Каримов ўтказган кенгаш ана шу муҳим масалага бағишланди. Кенгашда республика вазирликлари ва идоралари, Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари раҳбарлари, райижроком раислари, район партия комитетлари ва партия ташкилотларининг котиблари, матбуот ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса гўшт ва сут маҳсулотларини аниқ тақсимлашга қандай эришиш, аҳолини шу маҳсулотлар билан республика ҳукумати белгилаган меъёрларда таъминлаш ҳақида жиддий равишда гаплашиб олинди.

(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот рўзномамизда эълон қилинади).

НАМАНГАНДА ТАНТАНАЛАР

Наманган кўчаларининг файзи ўзгача. Ў вилоят ва вилоят партия ташкилоти ташкил этилганлигининг ярим асрлик маъракасига атаб байрамона безатилган. Тантаналар шаҳар марказидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Байрамни наманганликлар билан бирга Қирғизистон ва Тожикистондан, Тошкент, Андижон, Фарғонадан ташриф буюрган меҳмонлар ҳам нишонлашди.

Тўқимачилар маданият саройида тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби К. Юсупов Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг вилоят ва вилоят партия ташкилоти ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан йўллаган табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Ленин комсомоли номли стадионда ўтказилган катта спорт байрами ва намойиш этилган бадиий мусиқавий программа тантаналарнинг чўққиси бўлди. Томоша қатнашчилари ўз композицияларида вилоят 50 йиллиги тарихининг асосий даврларини гавдалантирдилар.

АРМИЯГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

Яқинда Москвада биринчи Бутунармия партия конференцияси бўлиб ўтди. Унда М. С. Горбачев сўзга чиқди. Конференция, деди у, тўла мустақилликка эга бўлаётган ҳарбий-сиёсий идоралар билан партия ташкилотлари вазифаларининг фарқлаб қўйилиши жараёнини ниҳоясига етказмоқда. Янги тузилган партия комитетларининг фаолияти ватанпарварлик, кўп миллатли буюк Ватанимизга садоқатли хизмат қилиш руҳи билан тўлатўкис йўғрилган бўлиши лозим. Армия ва Флотдаги партия иши, деб таъкидлади М. С. Горбачев, ҳарбийлар турмушини демократиялашнинг муҳим омилидир.

Конференцияда партиядан холи қилиш деб аталувчи масала ҳам тилга олинди. Бунинг бузғунчилик эканлиги ҳақида тўғри гапирилди, деди уқтирди у. Чунки партиядан ҳоли қилишга даъват Федерацияни тарқатиб юбориш, Советларни бекор қилиш, жамоа ва давлат хўжаликларини тарқатиб юбориш каби бузғунчилик чақириқлари сирасига киради. Соғлом фикр юритувчи ҳар бир киши буларнинг барчаси пировард натижада давлатчилик барча бўғинларининг бузилишини, мамлакат ягона Қуролли Кучларининг барбод бўлиб, тарқаб кетишини билдиришини тушунади.

М. С. Горбачев мамлакатдаги сиёсий вазиятга тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлади: КПСС ҳар куни ва ҳар жойда ўзининг жамияттаги ишлар аҳволига ижобий таъсир ўтказишга қодир эканлигини исботлаши лозим. У реал контекстда ҳаракат қилмоғи, жамиятни барқарорлаштириш ва жипслаштиришга кўмаклашмоғи даркор.

Мамлакат раҳбарияти Қуроли Кучлар қурилиши билан пухта шуғулланишига ҳеч кимда шубҳа пайдо бўлмаслиги керак. Ватан ҳимоячиларининг ва улар оилаларининг, фахрийларнинг кундалик эҳтиёжлари, улар турмушини бадастур этиш, уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — барча даражалардаги халқ депутатлари Советларининг, жамоат ташкилотларининг, бутун халқнинг энг асосий вазифасидир.

(ТАСС материаллари асосида).

• СССР Олий Кенгашининг қарори

«СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул этилган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. ССР Иттифоқи ва республикаларнинг қонунлари «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтириб олингунча ССР Иттифоқи ва республикаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилаверади, чунки улар мазкур Қонунга зид эмас.

3. СССР Президенти СССР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий-маиший таъминоти шарт-шароитлари тўғрисида СССР Олий Кенгашига таклифлар киритсин.

4. СССР Вазирлар Маҳкамаси уч ой мудатда:

СССР Олий Кенгашига СССР қонун ҳужжатларини «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин;

СССР ҳукуматининг қарорларини «СССР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ ҳолга келтирсин;

СССР вазирликлари ҳамда давлат бошқаруви бошқа марказий идоралари ушбу Қонунга зид бўлган ўз меъёрий ҳужжатларини, шу жумладан, йўриқномаларини қайтадан кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 20 март.
(Қонун матни «Известия»нинг шу йил 28 март сонида эълон қилинган).

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

Тошкентдаги «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида аҳоли эҳтиёжи учун зарур истеъмол буюмларини кўпроқ тайёрлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Шу мақсадда бу ерда янги-янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариляпти.

Яқинда корхонанинг халқ истеъмоли буюмлари цехида «КЕТ—100» деб номланувчи гўшт қиймалагич ускунасини тайёрлаш йўлга қўйилди. Эндиликда уй бекалари учун қулай бўлган бу ускунага талаб ошиб бормоқда. Цех жамоаси йил охиригача 80 минг донадан кўпроқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

Бирлашма конструкторлик бюросида электр гўшт қиймалагич имкониятларини кенгайтирувчи қўшимча қисмлар ўрнатиш устида иш олиб бориляпти. Ошхона учун зарур бошқа буюмлар ишлаб чиқаришга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

СУРАТДА: цех ишчиси Нафиса Турдиева янги ускунани намойиш қиляпти.

А. ГОРОКРИК (ЎзТАГ) олган сурат.

Миллатлараро алоқаларни мустаҳкамлайлик

Ўзбекистон ССР Президенти аппаратининг миллатлараро муносабатлар бўлимида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Миллатлараро муносабатлар муаммолари ҳамда диндорлар орасида рўй бераётган жараёнлар, шунингдек Ўзбекистон халқларини жипслаштириш, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Совет Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг янги тузилган миллатлараро муносабатлар бўлимларининг мудирлари ҳамда дин масалалари шўъбаларининг мудирлари қатнашдилар. Бу бўлимларнинг вазифаси миллатлараро муносабатлар соҳасида ва диндорлар орасида рўй бераётган жараёнларни ўрганишдан, миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига таъсир ўтказаётган зиддиятлар ва бузилишларни бартараф қилишдан, виждон эркинлиги соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашдан, тегишли қонунларни бажаришдан иборат. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси пленумларидан бирида айтилган бир фикр кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди: қайта қуриш муаммолари, уни ҳаракатлантирувчи кучлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида атрофлича фикр юритилаётган бир пайтда пенсияга чиққан, ўз жамоасидан ажралиб қолган ва кексайиб ўзи кўникиб қолган турмуш тарзини ўзгартиришга мажбур бўлган меҳнат ва партия фахрийларига зарур даражада эътибор бериляптими? Сўзга чиққан нотиқлар фахрийларни фаол ижтимоий ҳаётга тортмагани, уларга оддий инсоний ғамхўрликни унутиб қўйгани учун партия ташкилотлари номига жиддий танқидий эътирозлар билдиришди.

Расмий қилиб айтадиган бўлсак танқидий мулоҳаза назоратга олинди, турли даражадаги назорат комиссиялари бу масала билан яқиндан шуғулланиб, вужудга келган вазиятни таҳлил этдилар, партия аъзоси бўлган пенсионерларнинг фикрини ўрганиб, ҳаракат қила бошладилар.

Агар рақамлар тили билан айтиладиган бўлса, республикада коммунист пенсионерлар сони шу йил бошида 91 минг кишини ёки жами коммунистларнинг 14 фоизини ташкил этди. Шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўғинларида фахрийларнинг кўпчилик қисми партия ташкилотлари ҳисобида турганлиги эътиборга олинса, уларнинг нақадар катта куч эканлиги яққол кўринади. Турмушнинг барча синовларига бардош берган, қатағон ва турғунлик даврларини, «зарбдор вахта» ва бошқа ҳар хил кампанияларни бошидан кечирган, аммо аввалгидек партия ғоялари, унинг муаммолари билан яшаётган оталаримизнинг ҳаётий бой тажрибаси ва донолиги партия ташкилотлари фаолияти учун нечоғли катта имкониятлар беришини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин. Тўғри, кексалик асоратлари, соғлиқнинг ёмонлашуви, куч-қувватнинг кетиши, кундалик турмушда учраб турадиган турли хил икир-чикир воқеалар таъсир қилиб қонуний дам олишга чиққан барча кексалар ҳам олдинги даврдаги сингари фаоллик кўрсата олмасликлари мумкин. Янги шароитда ишни тўғри ташкил этолмаётган ва мураккаб вазиятга тушиб қолаётган партия ташкилотлари ана шуни ҳисобга олмаётганлиги, қўл остидаги «жангчилари» ҳар доим ҳам «биз тайёрмиз» деб ҳозиру нозир бўлиб турмаётгани учун ишда янглишиб, қоқилиб қолмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Устави бошланғич ташкилотларга аввал ҳатто орзу ҳам қилинмаган мустақилликни берди. Коммунистнинг иш жойи ёки яшаш жойида партия ҳисобида туриши, партия ташкилотларига баъзи ҳолларда айрим коммунистларни партия йиғилишларига қатнашишдан ва аъзолик бадалларини тўлаб туришдан озод қилиш ҳуқуқи берилганлиги ана шу мустақилликнинг бир қисми холос. Шундай шароитда партия ташкилотлари қандай қилиб ўзининг ишга қобилиятлилигини, партия жамоаси яхлитлигини, ишлаб чиқаришдаги ўз мавқеини сақлаб қола олади? Яқинда Марказий назорат комиссияси Бўка районидаги бир пенсионер фахрийнинг «Ленинобод» жамоа хўжалиги раҳбарияти қандай қилиб бир зарб билан, тўғрироғи фахрийларни зудлик билан ишдан бўшатиб улардан қутилгани тўғрисидаги аризасини кўриб чиқди. Ташвишланарли жиҳати шундаки, бошланғич партия ташкилот ҳам бу ишни қўллаб-қувватлаган. Район партия ташкилотининг назорат комиссияси воқеани чуқур ўрганиб, адолатни тиклади, албатта.

Партия ташкилотлари фахрийлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ҳақида мисоллар ҳам кўп.

ФАХРИЙЛАР ЭЪТИБОРИМИЗДА БЎЛСИН

Масалан, Жиззах районида пенсионер коммунистларнинг ярмидан кўпроқ қисми колхоз ва совхозлар партия ташкилотлари ҳисобида туради. Бошқа қишлоқ партия ташкилотларида ҳам худди шундай. Шаҳарларда эса фахрийларнинг кўпчилик қисми ўзлари ишлаган корхона, қурилиш ва муассаса партия ташкилотлари ишида фаол қатнашмоқдалар. Зарур бўлган ҳолларда яшаш жойларида ҳам бошланғич партия ташкилотлари тузилаётир. Аммо бу ишда барча жиҳатларни ҳисобга олиб, сира ҳам шошмай, чуқур тайёргарлик кўриш даркор.

Бошланғич партия ташкилотлари пенсионерларни аъзолик бадаллари тўлашдан тўла ва қисман озод қилиш ҳуқуқидан тобора кенгроқ фойдаланмоқдалар. Қорақалпоғистон МССР, Самарқанд вилоятида, шунингдек, жумҳуриятнинг кўпгина шаҳар ва районларида ана шундай йўл тутилмоқда. Кўпчилик партия ташкилотлари фахрийларнинг номигагина аъзолик бадаллари тўлаб боришларини ёқлаб чиқмоқда. Бағдод район сув хўжалиги идораси пенсионерлари эса ўзларини бу мажбуриятдан озод қилинишларини партия ташкилотларидан узоқлаштиради, партиясизлар билан тенг қилиб қўяди, пировардида партиядан чиқишга олиб келади, деб баҳолаяптилар. Уларнинг бу фикрлари билан ҳам ҳисоблашиш лозим.

Айни пайтда пенсионер коммунистларга мунтазам ёрдам ва ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини ҳам унутмаслик керак. Партия ташкилотлари маъмурият, касаба уюшмалари, меҳнат жамоаси кенгаши билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётган жойларда бу масала тўла-тўкис ҳал қилинаётир. Партия комитетлари ва бюролари янги Устав қоидаларидан келиб чиқиб, аъзолик бадалларининг бир қисмидан партия ташкилоти эҳтиёжи учун фойдаланмоқдалар. Баъзи партия ташкилотларида эса бу пул фахрийларни рўзнома ва ойномаларга обуна қилиш учун ишлатилди. Сирдарё районида 1000 сўмдан кўпроқ пул кекса партия аъзоларига моддий ёрдам тарзида берилди. Хива район партия комитети ташаббуси билан очилган «Фахрийлар уйи»да кекса коммунистлар бир кун дам оладилар. Шу куни уларга бериладиган овқат бепул қилиб қўйилган. Корхона, хўжалик, маҳаллий Кенгашлар ҳисобидан пенсияга 20 сўмдан 50 сўмгача қўшиб бериш айниқса кенг тус олди.

Урганчдаги 2534-автоколоннада кексалик пенсиясига чиқаётган кишиларга бир йўла 1000 сўм тўланмоқда. Жамоат ташкилотларининг пенсияга кузатилаётган кексаларга ўз ҳисобидан қимматбаҳо буюмлар тақдим этиши, байрамларда уларни турли совғалар билан йўқлаши оддий ҳол бўлиб қолди. Ишлашни хоҳлаган фахрийлар ҳам баҳоли қудрат иш билан таъминланяптилар. Жойларда пенсионер коммунистларга, фахрийларга кўрсатилаётган маънавий ғамхўрлик ҳам бундан кам бўлмаётир. Масалан, Хива районида кекса партия аъзоларига эсдалик нишонларини тантанали топшириш одат тусига кирди. Шу куни ёш коммунистлар ҳам улардан партия билетларини қабул қилиб олдилар. Боёвут районида партия ташкилотлари хизмат кўрсатган коммунист ҳамюртлари номини абадийлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. «Боёвут» давлат хўжалигининг «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» бўлими қўрғонидаги ҳамда район марказидаги кўчалар ана шундай кишиларнинг номи билан аталди. Янги Устав қоидаларига биноан «КПСС ветерани» фахрий номи берилиши муносабати билан ҳозир шу номга муносиб коммунистлар аниқланмоқда. Шунингдек, қатағон қилинган коммунистларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ҳам ишлаб турибди.

Республикада ижтимоий адолат принциплари бўйича ишлар ҳам тобора кенг тус олмоқда. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ССР Президенти Фармонлари қандай бажарилаётгани, республика ва марказий органлар шу соҳада қилаётган ишлар ҳақида мунтазам хабар қилиб турибди. Одамлар

Партия турмуши: фаоллик мезони

БИЗ ҲАМИША СИЗЛАР БИЛАН БИРГА БЎЛИШНИ ИСТАЙМИЗ, ДЕМОҚДАЛАР КЕКСА КОММУНИСТЛАР

эса камёб моллар, уй-жойлар нотўғри тақсимланаётгани, баъзи раҳбарларнинг расмиятчилиги ва бошқа камчиликлар тўғрисида шикоят хатлар билан партия, совет органларига кетма-кет мурожаат қилмоқдалар. Фахрийларнинг кўнгли ўксиётган экан, бундан ортиқроқ ташвишли ҳол бўлмаса керак. Партия комитети раҳбари ёки аппарат ходимининг расман бу ишга аралашишга ҳуқуқи бўлмаса ҳам улар коммунистга тўғри йўл кўрсатишга, маслаҳат бериш ёки тегишли ташкилот коммунистларига мурожаат қилишга, ҳуллас, фахрийларга ёрдам беришга даъват қилинган. Айниқса ҳозирги мураккаб даврда кишиларнинг турмушига доир ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдан ўзини четга олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эканлигини сира ҳам унутмаслик зарур.

Шу кунларда партиядан чиқиш сингари ташвишланарли ҳол пенсионер коммунистларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Гарчи ондасонда бўлса ҳам бундай воқеалар Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятларида содир бўлди. Тўғри, шу ҳақдаги аризаларнинг аксарият қисмида кекса коммунистлар соғлиғи ёмонлашганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Бироқ бундай аризалар орасида, масалан, Қашқадарё вилояти бўйича ўтган йили партиядан чиққан коммунистларнинг аризаларида партия ташкилотларининг, айниқса иқтисодий масалаларда ғамхўрлиги сусайганлиги қайд этилган. Айрим кекса коммунистлар эса диний эътиқодларини сабаб қилиб партиядан чиқмоқдалар.

Табиийки, бундай ҳолларда ҳар бир коммунист билан якка тартибда суҳбатлашиш лозим. Аммо ҳамма вақт ҳам муаммоларга чуқурроқ кириб бориб фахрийларни ишонтира оляпмизми? Афсуски, ҳар доим ҳам шунга эришилаётгани йўқ. Гарчи, коммунист ўз аризасида партиядан чиқиш сабабларини очиқ кўрсатаётган бўлса ҳам кексаларни аъзолик бадали тўлашдан, йиғилишга қатнашишдан озод қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишдан нега партия ташкилотлари тортиняптилар ёки нима учун бемор фахрийларнинг ёнига бориб кўнгил сўрашга, жамоадаги янгиликларга ғамхўр бу кекса ишчини ҳамма ҳурмат билан эсга олади. Ҳ. Абдуллаев 75 ёшида пенсияга кетган, аммо орадан кўп ўтмай яна ўз цехига қайтиб келган эди. У ўтган йили Тўқмоқ шаҳрига кўчиб кетиб, автотранспорт корхонаси партия ташкилоти ҳисобига кирди. Бу ерда ҳам партия ташкилоти ҳаётида фаол қатнашмоқда. Биз Ҳ. Абдуллаев ҳақида сўз юритар эканмиз, партия етакчиларидан ўз атрофидаги коммунистларга синчиклаб кўз ташлашни, партия ишига содиқ кекса коммунистларни партия ташкилоти фаолиятига тортишни илтимос қиламиз. Бундан фақат умумпартиявий иш ютади, холос.

Фахрийларни яна нималар ўйлантиряпти? Қўшкўпир районидаги О. Қурбонов номли жамоа хўжалиги пенсионер коммунистлари тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ўз жамоаси иши учун масъулиятини кучайтириш борасида барча чораларни кўриш лозим, деган талаб билан чиқдилар. Ўтказилаётган суҳбатларда ана шундай фикрни айтиш билан бирга, депутат қилиб сайланган коммунистларнинг фаолиятидан норози эканликларини ҳам билдирмоқдалар. Урганч локомотив депосида эса партия органларининг шу йўналишда қилаётган ишини таҳлил этиш вақти келди, деган фикрни билдирдилар. Шу шаҳардаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси пенсионерлари назорат комиссияларидан оммавий ахборот воситаларида партияга қарши чиқишларга, уни қоралашга, ёлғон-яшиқ ва туҳмат гапларни тарқатишга қарши «номенклатурадаги пропагандистларни» кутиб ўтирмай, асосли, принципиал баҳо беришни талаб қилдилар. Жойларда бундан ҳам кескинроқ чора кўриш таклифи билан чиқмоқдалар. Масалан, Янгиқўрғон районида барча коммунистларни аттестациядан ўтказиб, уларнинг ҳозирги шароитда нималарга қодир эканликларини ўрганиш зарур, деган фикрни ўртага ташладилар.

Табиийки, фахрийларни бозор муносабатига ўтиш жараёнида вужудга келаётган вазият, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари ҳам жиддий ташвишга соляпти, албатта. Жойларда аҳоли ўртасида кун тартибидаги бу муҳим масалаларни тушунтириш ишлари билан шуғулланиш ўрнига юқоридан топшириқ кутаётган ва расмиятчиликка ўрганиб қолган бошланғич партия ташкилотлари ҳам кўп. Шундай экан, кекса коммунистлар аттестация ҳақидаги масалани вақтида ўртага қўймоқдалар, деган фикр нечоғли тўғри эканлигини даврнинг ўзи баҳолайди.

Шаҳар ва район партия ташкилотлари назорат комиссиялари шундай хулосага келдилар: бошланғич ташкилотлар кекса коммунистларга яқин турадилар, шунинг учун ҳам уларга зарур моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишлари, партия ташкилотлари фаолиятига жалб қилишлари зарур. Ленинград район назорат комиссияси президиуми район партия ташкилотининг фахрийлар билан ишлаш аҳволини кўриб чиқди. Бу ҳақдаги ахборот маҳаллий «Янги Фарғона» ва вилоят «Коммуна» рўзномаларида ёритилди. Киров, Жиззах ва бошқа районларда ҳам шундай масалалар муҳокама қилинди. Назорат комиссиялари пленумларида ҳам бу муҳим масала кун тартибига киритилиб, тегишли хулоса чиқарилиши зарур. Токи, пенсионер коммунистлар ҳақидаги ғамхўрлик мавсумий эмас, балки доимий бўлсин. Бундай ғамхўрликка жавобан фахрийлар ҳам имконият даражасида зарур ёрдамларини аямайдилар. Улар чин дилдан «биз ҳамиша сизлар билан бирга бўлишни истаймиз», демоқдалар.

Ю. ВЛАСОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси инструктори.

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан янги чакана нархларнинг белгиланиши аҳоли харажатларининг бир қисмини қоплашни ҳаётий зарурат қилиб қўйди. Ишчи кучи кўп регион ҳисобланган ва асосан кўп болали оилалардан иборат бўлган Ўзбекистон аҳолиси учун бу жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Илгарилари фақат ёш болаларга маълум ёшгача 12 сўмдан ҳақ тўланган холос. Очиғини айтганда бу жуда оз. Энди эса олти ёшгача бўлган ҳар бир болага ойига 80 сўм, олти ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг ҳар бирига 40 сўм, бундан ташқари болаларнинг ҳар бирига йилига бир маротаба ёшига қараб 200, 240, 280 сўмдан тўлов берилади. Бу нарх-наво ошган шароитда кўп болали оилаларга бир мунча ёрдам бўлиши табиийдир.

Аҳолининг моддий жиҳатдан қийинчилигини бирмунча енгиллатиш мақсадида бу йил озиқ-овқат, ашёвий моллар ва хизматларга янги чакана нархлар жорий этилиши ҳисобига компенсация олувчилар сони 20 миллион киши бўлиши кўзда тутилмоқда. Компенсация тўловларининг бир қисми меҳнат жамоаларида ишловчиларга тўланяпти.

Комитетимизнинг асосий вазифаси мавжуд ишчи кучларидан иложи борича кўпроқ ва самаралироқ фойдаланишдир. Кейинги пайтда айримларда жумҳуриятимизда ишсизлар бор, баъзи аҳоли зич яшайдиган жойларда улар кўпчиликни ташкил этади, деган тушунча юзага келган. Аслида аҳвол у даражада эмас. Иш ўринлари кўп. Унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра ҳозир республикамизда 50 мингдан зиёд иш ўрни бор.

Асосий гап, бўш бўлган иш ўринлари билан меҳнатга жалб этилмаган кишилар малакаси ва касбининг мувофиқ эмаслигидадир. Масалан, аҳоли зичлиги жиҳатидан анча юқори ўринда турадиган Фарғона водийсидаги саноат корхоналарида турли касбдаги малакали ишчилар, шунингдек, қурувчилар етишмайди. Ваҳолонки, касби тўғри келмаганлиги учун аҳолининг бир қисми ишга жойлаша олмаяпти.

Менимча, корхоналар раҳбарлари, маҳаллий органлар ишлашни хоҳловчиларни касбга йўналтириш, уларнинг малакасини оширишга эътибор беришлари керак. Ана шунда ишловчилар корхонадан оладиган маошларига қўшимча тўланадиган турли тўловлар билан биргаликда бошқа имтиёзларни ҳам оладилар.

Чунки бундан буён ўз ишловчиларининг моддий аҳволини яхшилаш учун хўжалик ҳисобидаги корхоналар, колхоз ва совхозлар раҳбарига ижтимоий ривожланиш фонди маблағлари ҳисобидан компенсация тўловларини ошириш ҳуқуқи берилган. Шундай қилиб, ишлаб турган одам, албатта, у ёки бу даражада моддий маблағдан баҳраманд бўлади.

Энди ишламаётганлар хусусида. Ким иш билан банд бўлмаса албатта жойлардаги ишга жойлаштириш идораларига мурожаат этиши шарт. Уларга шу кундан бошлаб иш ахтарила бошлайди. Топилса зарур вазифа таклиф қилинади. Вақтинча топилмаса, 6 ой мобайнида белгиланган миқдорда нафақа тўланади.

Аслида чакана нархларнинг ошиши биз учун пировард мақсад эмас. Кейинчалик бозорнинг барқарорлашиб боришига, талаб ва эҳтиёж нисбатига эришиб борилган сари эркин ва бошқариладиган нархлар бўйича сотиладиган моллар доираси кенгайиб боради.

Корхоналар самарали ишлагач, маҳсулот кўпаяди, рақобат кучаяди. Натижада нархлар ҳам ўз ўзидан пасайиши мумкин.

• Долзарб мавзуда

ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ЎЙЛАБ

Тошкентдек шаҳри азимда икки миллиондан зиёд киши яшайди. Бунинг устига яна ҳар куни юз минглаб меҳмонлар келиб туради. Шундай экан аҳолининг шаҳар транспортида хизматга боришга келиши ҳам ўзига хос бир машаққат. Кечадан бошлаб шаҳар транспортида хизмат ҳақининг уч баробар оширилиши ҳаммани ҳам мамнун этгани йўқ. Бундан буёғига шаҳар транспорти аҳолига қандай хизмат кўрсатади? Ана шу савол билан тегишли муассасаларнинг раҳбарларига мурожаат қилдик.

● Отаулла МУЙИНОВ, Тошкент шаҳар пассажир транспорти барча турларининг ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи:

— Тошкент шаҳрида қатнаб турган автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метро поездлари бир кунда 2,5 миллион кишини манзилларига етказиб қўяди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан кечадан бошлаб ҳар бир йўловчи бир йўла учта абонементни чакичлашга ўтди. Шаҳар транспорти ишида чиндан ҳам жуда кўп муаммо ва камчиликлар бор. Буни тўғри тан олиш керак. Лекин уларнинг ишини йўлга қўйиш учун сарф-харажатлар мутлақо етишмайди. Нарх-наво ошгандан кейин шаҳар транспорти хизмат кўрсатиш маданиятининг яхшиланишига умид боғлаш мумкинми? Бунга аниқ жавоб бериб бўлмайди. Масалан, ўтган йили шаҳар автобуслари давлатдан 17 миллион, трамвай-троллейбуслар эса 18 миллион сўм дотация олди. Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда нарх-навонинг уч баробар ортиши транспорт тараққиётига ёрдам беролмайди. Шунинг учун ҳам яна эски гап — дотацияга мурожаат қилишга мажбур бўлинади. Бунинг тўғри ҳисоб-китобини қилган мутахассислар харажатларни қоплаш учун яна ўнлаб миллион сўм ажратилишини таъкидлашмоқда.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида барча транспорт воситаларини йўлга ораста қилиб чиқариш чоралари кўриляпти. Бундан ташқари 15 тийинлик чипталарни ҳозирлаш учун босмаханаларга буюртма бериш ҳаракатидамиз.

— Маршрут таксилардаги ва енгил таксилардаги хизмат ҳақи қандай бўлади?

— Кичик автобуслар қатнайдиган маршрут йўлларида 8 километр масофа учун 30 тийин, 10 километргача 40 тийин ва ундан ортиқ масофа учун 50 тийин ҳақ белгиланган. Енгил машинали таксилар учун ҳар бир километр масофага 40 тийин ҳақ олинади.

● Адҳам МИРЖАЛИЛОВ, Тошкент метрополитенининг бошлиғи.

— Шу кунларда Тошкент метрополитени ихтиёрида ишлаб турган 164 вагон бир кунда 400 минг йўловчини манзилларга етказиб қўймоқда.

— Метрода хизмат ҳақининг уч баробар ортиши унинг келгусидаги равнақи учун тўла хизмат қила оладими?

— Гапнинг очиғини айтганда, бир йўловчига хизмат кўрсатиш таннархи метрода 24 тийин туради. Ҳозирги 15 тийинлик ҳақ билан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Бутун мамлакат бўйича аҳвол шундай. Биз ҳам ўз-ўзидан дотацияга мурожаат қиламиз.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш ишини яхшилашга келсак, ҳозирча пассажирлар назорат жойидаги мосламаларга учта 5 тийинлик ташламоқдалар. Биз Харьковдаги корхонага 15 тийинлик тангаларни ўтказадиган мосламалар яратиб бериш юзасидан буюртма берганмиз. Яқин ойлар ичида уларни олиб қолсак керак.

А. ПЎЛАТОВ.

• *Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

ЎЗБЕКИСТОН ИБРАТИ

Яқинда СССР Фанлар академиясининг жаҳон иқтисодий муносабатлар олийгоҳи секторн мудири, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори Голий Иванович ШМЕЛЁВ, шу олийгоҳнинг катта илмий ходими, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Иван Николаевич Буздалов рўзномамизда меҳмон бўлдилар. Давра суҳбатини В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни профессори, иқтисод фанлари доктори Алихон ИБРОҲИМОВ бошлаб берди. Сўз асосан республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида борди.

А. ИБРОҲИМОВ: — Ҳозир ошкоралик пайти. Марказий рўзномаларда эълон қилинган мақолаларга ўз муносабатимизни билдириш одатга айланиб бормоқда. Ахир, ошкоралик ҳам шуни тақозо этади-да! Аммо менингча, ҳур фикрлилик тор хонада ҳамма ўз шахсий фикрини айтаверади дегани эмас. Аксинча битта умумий мақсад, ягона ғоя учун фикрлар муштараклигига эришиш демакдир. Шундагина биз умумий тил топишимиз, муаммоларни ечишнинг тўғри ва оқилона йўлини танлашимиз мумкин. Шу муносабат билан сўзни «Известия» рўзномасининг шу йил 29 январь сонида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлган суҳбатдан бошласак. Мана, қўлимда ўша суҳбат босилган рўзнома. Мухбир шундай бир «қалтис» савол беради:

— Ислом Абдуғаниевич, бугунги кунда ҳозирча ҳал этиб бўлмаётган масалаларнинг энг асосийларидан бири — марказ ва республикаларнинг ўзаро муносабатлари принциплари бўлиб қолмоқда. Сиз йирик республикалардан бирининг Президенти сифатида мана шу принципларни ишлаб чиқишда энг муҳим масалалар нималардан иборат деб ҳисоблайсиз?

Бунга қандай асосли жавоб берилганини рўзномада ўқигансиз. Аммо ҳозир диққатингизни ўша жавобдаги мана бу сатрларга тортишни истар эдим: «Фақат ўтган йилнинг ўзида 170 минг гектар ерни оилаларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан ижарага бердик. Биз бу рақамни ярим миллион гектаргача етказмоқчимиз. Сўнгги пайтларгачаерларнинг бор-йўғи 4,5 фоизида деҳқончилик қилган шахсий хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизини берганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ерларнинг умумий салмоғида бундай участкалар ҳажми қандай тош босишини, улар икки баробардан кўпроқ ошишини билиб оламиз».

Шу суҳбатдан бир неча кун олдин Президентимиз «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди. Уни рўёбга чиқариш эса қишлоқ жойларида томорқа участкаларининг умумий майдонини 516,6 минг гектарга етказиш имконини берадики, ҳар бир қишлоқ оиласи 0,20, айрим вилоятларда ҳатто 0,25 гектар ерга эга бўлади.

Республикамизда амалга оширилаётган ана шу хайрли тадбирларга сиз, муҳтарам иқтисодчи олимлар қандай баҳо берасиз?

Г. ШМЕЛЁВ: — Менинг бутун илмий-тадқиқот ва изланишларимнинг мавзуи асосан шахсий томорқа хўжалиги билан боғлиқ муаммолардир. Кўп йиллар мобайнида мамлакатимизда томорқа хўжалигига турли хил муносабатларнинг гувоҳи бўлганман. Дастлаб у ҳар томонлама чекланди. Бу одамларни ердан бездирди. Умуман, хўжалик юритишнинг бу шакли яқин йиллар ичида тугайди, кераксиз бўлади, деган асосиз фикр кенг тарқалган эди-да. Фақат 1965 йилга келибгина бу чеклашлар олиб ташланди, лекин уни ривожлантиришга қаратилган бирорта амалий ҳаракат бўлгани йўқ. 1977, 1981 ва ниҳоят, 1987 йилда қабул қилинган, шахсий томорқа хўжалиги ва жамоа боғдорчилигини, полизчиликни қувватлашга қаратилган, зарур ва ўз вақтида қабул қилинган қарорлар ҳам ҳаётга татбиқ этилмай, кутилган натижани бермай қоғозда қолиб кетди. Иттифоқ Вазирлар Кенгаши ва КПСС Марказий Қўмитаси томонидан қабул қилинган бир-бирига ўхшаш жуда кўп қарорларнинг тақдири ҳам шундай бўлган эди.

А. ИБРОҲИМОВ: — Эндиликда ана шундай ҳоллар қайта такрорланмаслиги учун кўп ишлар қилинмоқда, шундай эмасми? Республикамиз Президенти бу ишга биринчи бўлиб дадил киришди. Бу борадаги Фармонлар ҳам шундан яққол шоҳидлик бериб турибди.

Г. ШМЕЛЁВ: — Ҳа, ҳозир бу борада янги давр бошланяпти. Хўш, бошланаётган янги даврнинг ўзига хослиги нимада? Аввалари шахсий томорқа хўжалигига иккинчи даражали иш деб қараб келинган. Эндиликда ана шу қараш ўзгаряпти. Шахсий хўжалик аграр иқтисодиёт секторида бошқа секторлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб қолди. Натижада улардаги меҳнат ресурсига, ерга, техникага янгича қараш юзага келди. Унга қолган-қутган нарсаларни бераверса бўладиган соҳа деб эмас, балки халқ дастурхонини тўкин қиладиган соҳа деб қаралмоқда.

Биз Ўзбекистон бўйлаб қатор вилоят ва районларда бўлиб, бу масалага қандай эътибор берилаётгани билан қизиқдик. Кўпгина тажрибалар гувоҳи бўлдик. Шунга ишондикки, бу соҳада республикада тўғри йўл танланган. Қаранг, Президент Фармони эълон қилинмасдан аввал ўрта ҳисобда хонадонларнинг ҳар бирида 12 сотих ер бор эди, холос. Президент Фармонини амалга ошириш натижасида эса бу рақам икки ҳисса ва ундан зиёд ошмоқда. Ўзбекистонда республика партия ва ҳукуматининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, фуқароларнинг шахсий хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги 1989 йил август ойида қабул қилган қарорига мувофиқ бир миллион 514 мингдан кўп оила қисқа муддат ичида янги ер участкалари билан таъминланибди ва ўз томорқа участкаларини кенгайтиришибди. Бу ишни ривожлантиришга катта эътибор берилиши республикада озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда ғоят муҳим тадбир эканлиги ҳаммамизга аён. Мен юқорида тилга олиб ўтган қарор ва Президентнинг янги Фармонини амалга ошириш қишлоқ жойларида томорқа участкаларининг умумий майдонини 516,6 минг гектарга етказиш имконини беради!

Ўзбекистондан олган таассуротларим шуни кўрсатяптики, кўпгина қарорлар сингари бу Фармонлар ҳам амалга ошмаса керак, деб ўйлаган эдим. Шунча миқдорда аҳолига шахсий томорқа ер берилиши бунинг аксини кўрсатиб турибди. Айтиш мумкинки, бу диққатга сазовор бўлган жуда катта ибратли ишдир!

Яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлдим. Республикада шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларининг уюшмаси тузилибди. Мамлакатимизда бошқа жамоатчилик ташкилотлари ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ана шундай уюшма тузилганлигини табриклаш керак. Тўғри, мамлакатда деҳқон хўжаликлари уюшмаси бор. Аммо Ўзбекистондаги уюшма сифат жиҳатидан бутунлай бошқа тадбир. Унинг кўлами ҳам катта.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни қандай қилиб янада ривожлантириш мумкин? Бу саволга мен шундай деб жавоб берган бўлур эдим. Ўзини-ўзи маҳсулот билан тамъинлаш, шу орқали аҳоли турмуш даражасини кўтариш, уй-жойлар қуриш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа йўллар билан уни янада ривожлантириш мумкин. Бу эса кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишни талаб этади.

А. ИБРОҲИМОВ: — Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун янада кенгроқ йўл очиб бериш, уларни ривожлантириш учун имконият яратиш зарур. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай, Иван Николаевич?

И. БУЗДАЛОВ: — Айтилган фикрларга тўла қўшиламан. Битта қўшимча қилмоқчиман, холос. Шунчалик муҳим қарорлар қабул қилинган экан, уни амалга оширишда маъмурий воситаларни ҳам ишга солишдан чўчимаслик керак. Шундай қилиниб, тўғри ҳам бўлган. Ахир ана шу маъмурий воситаларсиз жамоа ва давлат хўжаликлари ихтиёридан ерларни олиб аҳолига бўлиб бериш жараёнини охирига етказиб бўлмасди-да. Томорқаларни кенгайтириш бошқа бир қатор соҳаларни ҳам ривожлантиришни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ масалалардир. Қувончлиси шундаки, республикада бу иш изчил, ўйлаб олиб бориляпти.

Биз Тошкент шаҳрининг бозорларида бўлдик. Мамлакатдаги бошқа бозорларга қараганда асосий маҳсулотларнинг нархлари анча паст. Бу ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш билан боғлиқ, албатта.

А. ИБРОҲИМОВ: — Сизни кўп йиллардан буён бозор иқтисодиёти муаммолари билан шуғулланиб келган дейишади. Мана, республикамиз ҳаётини ўз кўзингиз билан кўрибсиз. Айтинг-чи, бу борадаги таассуротларингиз қандай?

И. БУЗДАЛОВ: — 60-йилларнинг ўрталарида бозор иқтисодиёти масалалари кўтарилган эди. Аммо ўша вақтда бунга юқори доираларда фақат салбий муносабатда бўлиб келишди. Эндиликда унинг нақадар зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Лекин бу борада гап-сўз кўп бўляпти-ю, аммо амалий ишга ўтилмаяпти. Ўзбекистонда қилинаётган ишларни кўриб, шундай хулосага келдимки, бу ерда томорқаларни кенгайтириш бўйича амалий ишларга дадил ўтилган ва у билан боғлиқ турли кооперацияларнинг ташкил этилиши — буларнинг ҳаммаси бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки одимларидир. Илмий тил билан айтганда, бозор иқтисодиётининг дебоча қисми ташкил этилган, у синовдан ўтмоқда. Энди шу жараёнда кооперациянинг иштирокини бениҳоя кенгайтириш керак. Худди шу маънода шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмаси катта иш қилиши мумкин. Улар билан кооперациялар ўртасида бундан кейин қандай муносабатлар ўрнатилишини ҳаёт кўрсатади. Ҳали у шаклланганги йўқ. Аммо келгусида уларнинг ҳамкорлиги кенгайиши шак-шубҳасиздир. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш бўйича дастлабки қадамлар қўйилганлиги суҳбатимизда айтиб ўтилди. Ана шу одимларнинг ўзи ҳам анча жиддий қадамлардир. Шунинг ўзи ҳам бизга эртанги кунга катта умид туғдиради.

А. ИБРОҲИМОВ: — Бозор иқтисодиётига ўтиш имконини берадиган шароит яратилиши ҳақидаги масала жуда муҳимдир. У ҳам бўлса республикада аҳволни барқарорлаштиришдир. Вазият барқарор бўлгандагина бозор иқтисодиётига ўтиш учун яхши имкониятлар туғилади. Шунинг учун ҳам биринчи галда ана шунга эришиш керак.

Бу борада республикамиз раҳбарияти астойдил жон куйдирмоқда. Аҳиллик, бирдамлик вазиятини қарор топтириш йўлида кўпгина тадбирлар амалга оширилаётгани ҳаммага маълум. Республикамиз Президенти мамлакатнинг бошқа кўпгина минтақаларига қараганда бизнинг республикамизда аҳвол ва вазият барқарорлигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Демак, бизда бозор иқтисодиёти учун шароит етилиб келмоқда. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланиши бу борада дебоча. Иқтисодчилар сифатида жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш масаласини ҳал этиш юзасидан фикрларингиз қандай?

И. БУЗДАЛОВ: — Вазиятни барқарорлаштириш деганда биз ҳаммамиз фақат Ўзбекистондагина эмас, бутун Иттифоқда якдил фикрга эгамиз. Биринчи галда иқтисодий юксалишга эришишнинг энг муҳим шарти ҳам ана шунда.

А. ИБРОҲИМОВ: — Республикамиз Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан кўрилаётган чоратадбирлар вазиятни барқарорлаштиришда муҳим аҳамият касб этяпти. У қатъий йўл тутмоқда, ана шу йўлда курашмоқда. Биргина мисол. Неча йиллардан буён пахта нархини ошириш, теримчилар ва механик-ҳайдовчиларни рағбатлантириш ҳал қилинмасдан келаётган эди. Республиканинг ҳозирги раҳбарияти бу борада ҳаётбахш фикрларни илгари сурдилар ва бир қатор амалий ишларни рўёбга чиқардилар. Булар бозор иқтисодиётига ўтишни енгиллаштириши шак-шубҳасиздир. Қишлоқ ва шаҳар жойларида аҳолининг уйжой қурилиши учун кенг имкониятлар яратиб берилиши, газ, сув таъминотини яхшилаш, кўпгина маданий-маиший тадбирлар, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликлар, бу соҳа кишиларининг маошлари оширилиши ва бошқа тадбирлардан халқимиз хурсанд.

Агар республикада вазиятни ҳозиргидек барқарор қилаверсак, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳам муваффақиятли ҳал этилади. Шу ўринда бир оддий мисолга эътиборингизни тортмоқчиман. Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхознинг таниқли ходими Тошмамат Алижонов, «1-Оққўрғон» совхозининг пудратчи бригадаси бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган механизатор М. А. Ковешников ва Қашқадарё вилоятининг Нишон, Қамаши, Косон районлари, Бухоро вилоятининг Ромитан, Жиззах вилоятининг кўпгина меҳнатчилари, Тошкент вилоятининг пахтакорлари билан суҳбатлашганимизда шу нарсани айтишдики, эндиликда республика ҳукумати раҳбарияти кўрсатаётган ғамхўрликлар натижасида деҳқонлар ҳеч қандай тазъйиқ ва буйруқларсиз, ўзлари эркин равишда далага чиқиб, ишлашмоқда. Чунки уларнинг моддий манфаатдорлиги ошган, ўз эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун шундай ишлашяпти. Районларда бўлганимизда яна шунга хурсанд бўлдикки, бемаврид бюро мажлисларини ўтказиш, хўжалик раҳбарларига дўқ-пўписа қилишларга барҳам берилган. Барча кишилар онгли равишда, тушунган ҳолда ўз ишларини билиб қиляптилар. Иқтисодчи олим сифатида бу мени қойил қолдирди. Аввалгидек, вакил юборишлар ҳам йўқ. Бу ҳам бозор иқтисодиётига ўтишнинг яхши омилларидан бири, деб ўйлайман.

И. БУЗДАЛОВ: — Мен яна бир муаммо тўғрисида қисқача тўхталиб ўтишни лозим, деб биламан. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган маҳсулотни ўз вақтида бозорга етказиш ҳақида гапирмоқчиман. Тўғри, ҳозир бу борада қийинчилик йўқ бўлиши мумкин. Аммо кейинчалик, яъни унинг кўлами кенгайгандан сўнг, албатта, ана шундай қийинчилик ҳам вужудга келади. Шунинг учун маҳсулотни сақлайдиган, қайта ишлайдиган, харидорга етказиб берадиган ва савдо қиладиган йўналишлар бўйича, айтайлик, кооператив ташкилотлар тузиш мақсадга мувофиқдир. Баъзи жойларда бу ишга киришилган ҳам. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг уюшмаси ана шу ишни ҳам мувофиқлаштириб бориши керак. Қисқаси, биз янги турдаги хизмат кўрсатадиган кооперация томон кетяпмиз. Шу пайтгача асосан ишлаб чиқариш кооперацияларини ташкил этиб келдик. Ишлаб чиқариш бошқа, аммо етиштирилган маҳсулотни аҳолига етказиш бошқа нарса. Сир эмас, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси бизда энг оқсаётган соҳадир. Кооперациянинг шу шакли ташкил этилиб ривожлантирилса, айни муддао бўларди.

Г. ШМЕЛЁВ: — Венгрия тажрибасини тилга олиб ўтмоқчиман. У ерда майда хўжаликлар бирлаштирилиб, комплекс ташкил этилган. Шахсий томорқа хўжаликлари бирлашиб, маҳсулотни қайта ишлайдиган йирик корхоналар билан боғланишган. У орқали тайёр маҳсулот харидорларга етказиб берилади. Бизда ҳам иш шу томонга қараб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам кўпгина диққатга сазовор янгиликлар, тажрибалар борлиги кишини қувонтиради. Ўзбекистон тажрибаси бизни бу борада қилинаётган ишлар билан янада яқинроқ танишишга ундамоқда. Бизнинг фикрларимиз — дастлабки таассуротлар натижаси холос. Биз имконият туғилган заҳоти яна республикангизга келиб, ана шу ишлар билан чуқурроқ танишамиз. Бу ерда бошқа минтақаларга намуна бўларли тажрибалар янада кўпайишига ишонамиз.

А. ИБРОҲИМОВ: — Қимматли фикр-мулоҳазаларингиз учун сизларга катта раҳмат! Республикамизда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоқли қисми шахсий ёрдамчи хўжаликлар, томорқалардан олинмоқда. Уларга ажратиб берилган ерлардан янада унумли фойдаланиш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, маҳсулотларни сотиш, қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда ҳали кўпгина ишлар қилиниши зарур. Республика раҳбарияти бу борада оқилона тадбирларни режалаштирган. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар республикамизда бозор муносабатларини жорий этишни анча енгиллатишга ёрдам бермоқда. Бунга Ўзбекистон ССР Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида» ва «Жумҳурият аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларидаги чорва ва паррандани озуқа билан таъминлашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмалари тузилгани нур устига аъло нур бўлди. Энди маслаҳат берадиган бюролар ҳам ташкил этилса, айни муддао бўлади. Сизлар халқаро иқтисодий тадқиқотлар олиб бораётган ҳамкасбларимизсиз. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга шу қадар катта эътибор бераётганларингиз бизни ҳам қувонтиради. Очиғи, шу пайтгача илмий-тадқиқотларда фақат эътибор агросаноат комплексига қаратиларди. Мана, эндиликда шахсий ёрдамчи хўжаликларга худди жамоа хўжалиги сингари бир хил муносабатда бўлинаётгани ва уларнинг имкониятларидан фойдаланилаётгани, шахсий томорқа хўжалигининг ижара, пудрат асосида жамоа ва давлат хўжалиги доирасида ривожланаётганлиги янги истиқболлар очиб бермоқда.

Суҳбатни Ҳамид ИКРОМОВ ёзиб олди.



Нажмиддин Амриддинов 40 йилдан буён кулолчилик касбини улуғлаб келади. Унинг фарзандлари ҳам ота изидан боришяпти. Ҳозир оилавий кулоллар сулоласи Самарқанд вилоят аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси қошидаги «Фотопрокатразнобит» идорасида ғайрат билан ишлаб, ойига икки минг сўмлик маҳсулот тайёрлашяпти. Улар ясаётган сопол буюмлар кўпчилик аҳолига манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: уста кулол Н. Амриддинов.

Ғ. АЛИЕВ туширган сурат.

АХБОРТ

САВОБЛИ ИШ

● Фарғона районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан бақувват. Ўтган йили мўлжалдагидан миллион сўмдан ортиқ даромад кўрди.

Алишер Навоий йилида унинг қутлуғ номини эъзозлаш мақсадида жамоа деҳқонлари ўзаро кенгашиб, хўжалик ҳудудида А. Навоий номли мукофот таъсис этишга аҳд қилдилар. Йил якунига кўра меҳнатда, ижтимоий ҳаётда алоҳида ибрат кўрсатган 4 нафар жамоа аъзосига мукофот бериладиган бўлди. Мукофот Навоий туғилган кун топширилади. Бундан ташқари қишлоқдаги 4 та мактабда ҳам аълочи ўқувчилар учун 12 та Навоий стипендияси жорий этилди.

Хўжалик аъзолари бу билан кифояланмай, А. Навоий номли истироҳат боғини барпо этишга қарор қилишди. Майдони 5 гектардан ортиқ бўладиган бу боғда мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиб, анвойи гуллар экиш мўлжалланган. Ёзги кинотеатр, кутубхона ва бошқа маданий ҳордиқ чиқариш масканлари ҳам қишлоқ меҳнаткашлари хизматида бўлади.

А. ИБОДИНОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯПОН ФАЗОГИРИ ОРОЛБЎЙИДА

Кеча Нукусда япон фазогири Т. Акиямани кутиб олиш тантанали маросими бўлиб ўтди. «Ти-би-эс» телекомпаниясининг коинотдан олиб борган ўз репортажлари билан бутун жаҳонга донг таратган журналисти бу ерга Оролбўйидаги экология вазияти билан батафсил танишиш, Япония телевидениеси учун ҳужжатли фильмни суратга олиш мақсадида келди.

Японялик журналист тўпланаётган материал асосида ёритмоқчи бўлаётган мавзулар жуда хилма-хил бўлиб, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, Қорақалпоғистон иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хослиги, республиканинг маданий анъаналари шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси минтақада вужудга келган экология номутаносиблиги билан уйғунликда кўрсатилади. «Ти-би-эс» телекомпанияси фильмни Нукус, Хўжайли, Мўйноқ ва Тахтакўпир районларида суратга олади.

(ЎзТАГ).

БИНОКОРЛАР РЕЖАСИ

Уйчи районидаги 132-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари ўз зиммаларидаги объектларни муддатидан илгари қуриб битказишга ҳаракат қилишяпти.

Кейинги бир йилда улар 366 ўринли мактаб, 300 ўринли клуб, дорихона ва 3938 квадрат метр ҳажмдаги турар жой биноларини фойдаланишга топширдилар.

Колонна қурувчилари шу йилнинг қолган ойларида район касалхонаси учун 380 ўринли поликлиника, 17-, 21-мактаблар учун 844 ўринли бино, Тельман номли жамоа хўжалигида 420 ўринли мактаб ва бошқа кўплаб турар жой объектларини барпо этишни режалаштиришган.

М. ҚАМБАРОВ,
Б. ХОЛДОРОВА.

ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЬ

Хоразм қадим-қадимдан ўзининг халқ достончилари ва бахши-шоирлари билан ҳам машҳур. Хонқалик халқ достончиси Сапаргул халфа Рўзметова ана шундай истеъдод эгаларидан.

Унинг ўз репертуари, ўзига хос ижрочилиги бор. Достонларини, термаларини, шеърий эртакларини халқ ҳамиша қизиқиб кутиб олади, тинглайди. Сапаргул опанинг фарзандлари ҳам оналари изидан боришга, халқ ижоди билан шуғулланишга аҳд қилганлар. С. Рўзметова яқинда оилавий ансамбль тузди. Ансамбль репертуаридан ўрин олган асарлар тинчлик, меҳнат ва биродарликни тараннум этади.

СУРАТДА: оилавий ансамблни машқ пайтида кўриб турибсиз.

К. ОТАЕВ суратга олган.
(ЎзТАГ).

• *Замондошларимиз*

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА

Уктам ҲАКИМАЛИ.

Ҳақиқатни халқ гапиради. Тақдир тақозоси билан Самарқанд вилоятининг Пайариқ районига қарашли Қўлтўсин қишлоғида бўлганимда халқ оғзидан: «Янги бошлиғимиз Мансур Қўшбоевнинг умри узайсин, у совхозга бошлиқ бўлиб тайинланганидан кейин кўп йиллиқ қарзлардан узилдик, тарафбозлик йўқолди, меҳнаткашлар катта даромад қилишяпти, қишлоқда телефон қурилди. Киров номли совхоз мажбуриятлари ҳам ортиғи билан бажарляпти», қабилидаги гапларни эшитдим.

Эрталаб Қўлтўсин қишлоғининг шимол томонидаги идорага кирдим. Кенг ва узун хона тўрида ўттиз беш ёшлардаги кенг пешонали йигит ҳайратланиб менга қаради. Ёнига яқинлашганимдан кейин курсини айланиб ўтиб:

— Ассалому алайкум! Марҳамат, ўтиринг, — дея ўнг томонидаги курсилардан бирига ишора қилди. Алик олиб ўтирдим.

— Маъзур тутасиз, бугун қабулимда навбат кутаётганлар кўп, салдан кейин гаплашсак бўладими? — дея гапини давом эттирди. Бевақт кирганим учун «узр» сўраб, хаёлини бўлмасликка уриндим.

Унинг қабулига навбатманавбат турли ёшдаги кишилар кирар, у эса ҳамма билан бирдай туриб кўришар, саломлашар, сўнг диққат билан арзини тингларди. Кимдир томини ёпиш учун шифер, яна кимдир сотиб олиш учун трактор сўрар, бошқаси ёғоч, машина мойи, хуллас, турмуш учун зарур бўлган ҳамма нарса сўралар эди. У эса ўйланиб, паришонлик билан арзномаларга «илтимоси қондирилсин», деб ёзиб беряпти... Тушгача унинг қўли бўшамади.

— Қабулингизга кираётганларга «йўқ» демай аризаларга имзо чекяпсиз, совхозингиз хазинасида шунча нарса топиладими? — дея сўраганимда, ҳориган бошини кўтариб, тикилди-да:

— Беш йилдан буён халқнинг кундалик турмушига зарур бўладиган нарсаларни биринчи галда олиб келтиряпман, — дея жавоб қилди. — Илтимосини қондирмасдан навбатдаги ишларга ўтиш қийин... Сигирнинг қорнини тўйдирмай, сут соғиб бўлмайди... Бу оддий ҳақиқат, қолаверса, халққа хизмат қилишдан бошқа қанақа мақсадим бўлиши мумкин?! Ягона мақсадим — эзгулик. Ўйлаб кўрсам, дунёда абадий нарса йўқ, умр эса жуда қисқа, одамлар дардига шерик бўлишдан ҳам кўра муқаддас тушунча бўлиши мумкинми?! Оч қолсанг ҳам шу халқ боқади, ўлсанг ҳам шу халқ кўмади. Тўймаъраканг ҳам у билан ўтади. Демак, яхшилик қилишдан, яъни эзгуликдан бошқа мақсад бўлмаслиги шарт...

«Мақсад — эзгулик...», беихтиёр ўйга толаман. Инсоннинг дунёга келишидан мақсад нима? Қисқагина инсоний умрни яшаб ўтиш ва шу инсоний умр жараёнида турмуш қуриш, бола-чақа билан бирга яқин-атрофдаги кишиларга қайишиш.

Табийки, «эзгулик» сўзини турли тоифа одамлари турлича тушунади, талқин этади. Агар қисқа қилиб айтадиган бўлсак, эзгулик ҳақида кўп гапирадилар, ўзларини унинг фидойиси қилиб кўрсатадилар, аслида эса инсонийликдан мутлақо йироқ кишилар ҳам йўқ эмас.

«Мақсад — эзгулик...» Мансур Қўшбоевнинг гапларини эслайман.

1985 йил у янги бошлиқ этиб тайинлангач, совхоз илк бор мажбуриятни бажарди. 1986 йилдан 1990 йилгача қонга тўла эрк бериш билан эришдик, — дея лўнда жавоб берди у. — Илгари раҳбарлар одамларни мажбуриятини бажарган бригададан бажармаган бригадага ташларди. Одамлар сарсон, кимга хизмат этаётганини билмас, оқибат меҳнат иштиёқи мутлақо сусайганди. «Ўзимникини бажарганим билан бошқа бригадага олиб боради, яхшиси, шошилмай ишимни бажараверай...», қабилида иш кўрарди. Бу эса сансалорликни келтириб чиқарарди. Ҳар бир бригада аъзоси ўз ишини сидқидилдан бажаришга киришиб, ўз мулкига эгалик қила бошлаганда сансалорлик барҳам топди. Бундан ташқари ҳалқнинг манфаатдорлигини оширдик. Даромад белгиланган режадан ошдими, ортиқчасини ўзларига бўлиб бера бошладик. Бу ҳол уларнинг меҳнатга бўлган иштиёқини оширди, маошлари ҳам ортди, ҳатто 3 тоннадан 8 тоннагача ғалла, нўхат, тарвузқовун олишди. Кузда яна қўшимча мукофот пули ҳам берамиз. Кўриб турибсизки, деҳқонга тўла эркинлик бериш уларнинг манфаатдорлигини оширди...

1990 йилда совхоз тўла ижарага ўтди. Натижада деҳқонларни назорат қилишга зарурият қолмай, бўлим бошлиқлари вазифаси ўз-ўзидан тугаб кетди. Деҳқон эркинлиги!..

Қўлтўсин қишлоғи аҳли Мансур Қўшбоевдан миннатдор. Ҳозир бу ерда зиғир янчадиган тегирмондан тортиб ун тегирмонигача қуриб берилган. Янги мактаблар, боғчалар, идора бинолари қад кўтарди. Марказ телефон билан таъминланган. Энди яқин-узоқдаги қишлоқларга ҳам телефон тушириляпти. Энг асосийси қишлоқларга газ олиб келиш ишлари зўр бериб амалга оширилаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Халқ бу ишлардан мамнун. Ҳа, раҳбарнинг яхши-ёмонлигини, табийки, халқ баҳолайди.

Куч-қувватини, ақлини халққа, қолаверса, эзгуликка бағишлаган Мансур Қўшбоев ён дафтарида режалаб қўйилган ишлар талайгина. Улар ҳам мавриди билан амалга оша боради.

Вилоятлардан хабарлар

• Иқтисодиёт

ОТАНГ БОЗОР, ОНАНГ БОЗОР

Бозор иқтисодиёти, истеъмол ва нархнаво шу кунинг долзарб мавзуларидан. Шу бонс Самарқандда халқ бозорларини тиклаш ва мавжудларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кейинги икки йил мобайнида Сиёб бозори қиёфаси бутунлай ўзгарди. Нақшинкор устунли айвонлар остида сотувчи ва харидорлар учун шароитлар яратилган. Таъмирлашдан кейин сотувчилар ўрни 1655 тага етди.

— Икки йилдан бери ижара пудратида ишлаяпмиз, — дейди бозор директори Мақсуд Азизов. — Тушум ҳисобидан ободончилик ишларини амалга ошириб, сув тармоқлари тартибга келтирилди. Аммо ҳар қанча ҳаракат қилмайлик шаҳар саноат моллари билан савдо қилувчи идора дўконларидан ҳоли бўлиш қийин. Улар бозор атрофини банд қилишдан ташқари айвонларни ҳам эгаллаб олишяпти. Шаҳар ва район раҳбарлари эса бу борада лом-мим демай туришибди.

Бу кўҳна бозор бир-икки йилдан сўнг халқимизнинг ортиб бораётган эҳтиёжини қондиролмай қолиши мумкин. Шу боис бозор рўпарасида 400 сотувчига мўлжалланган қўшқаватли бино қурилиши бошлаб юборилган. Фақат бугина эмас, Боғишамол бозори қисқа муддатда қайтадан қад ростлади. Унинг ертўласига 100 тонна мева-чева сиғади. Темирйўл бозори ҳам таъмирланади. Бундан ташқари Даҳбед бозори очилиб чархинликлар бозори ҳам тикланди.

Бозор фақат иқтисодий муносабатлар билан чегараланиб қолмаган. У маданий алоқалар, миллий анъаналарнинг ҳам омилидир. Чунончи, Зарафшон дарёси соҳилидаги Чимбой бозорининг карвонсаройи ва сайлгоҳи етти иқлимга машҳур бўлган. Шукрлар бўлсинки, мазкур тарихий маскан ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари гавжумлашиб қолди. Оқсоқоллар тегишли идоралар ёрдамида азалий анъаналарни тиклаш ҳаракатида. Қувончлиси шуки, бозорлар кўпайган сари халқ ҳунармандчилиги ва қадимий удумлар ҳам тикланмоқда.

● Иқтисодий муносабатлар, миллий анъаналар, маданий алоқалар маскани.

● Улуғ зотга чексиз эҳтиром рамзи.

● Тадбиркорлик — иқтисодий мустақилликни таъминлашга кўмак бермоқда.

● Сахий табиатимизнинг беназир эҳсонлари.

● Қадимий боғларни тиклаш йўлида.

• Хўжалик ҳисоби

ЁШЛАР ВА САРМОЯ

Вилоят комсомол қўмитаси бир неча йилдирки қарз олмасдан фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодий мустақилликка эришган.

Аслида комсомолларнинг молиявий аҳволи ҳақида гапириш таомилда йўқдек кўринади. Шундай бўлса-да...

Самарқанд комсомолларининг бир йиллик даромадлари 3 миллион сўм атрофида. Бу сармоя асосан аъзолик бадаллари, пуллик хизмат тадбирларидан ва хўжалик ҳисобидаги комсомол корхоналаридан йиғилади. Бошланғич комсомол қўмиталари котибларига миллион сўм, вилоят, шаҳар ва район комсомол қўмиталари идораларига 718 минг сўм сарфланди. Бироқ маблағнинг ҳаммаси маҳкамаларга сарфлангани йўқ. Ўтган йили комсомол жамғармасидан Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг болаларига, тиббиёт олийгоҳи ётоқхонасини таъмирлашга, Большевик районида ёшлар хиёбони қурилишига, Қўшработдаги ёшлар марказини ривожлантиришга, илғор ёш пахтакорларни рағбатлантиришга катта миқдорда пул сарфланди.

— Келгусида биз комсомол идоралари учун харажатларни асосан хўжалик ҳисобидаги корхоналаримиз даромадидан чиқариб олмоқчимиз, — дейди вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Беҳзод Зокиров. —Аммо корхоналаримизга даромад солиғи 35 фоиз қилиб белгиланганини адолатдан эмас. Биз мутасадди ташкилотлардан солиқ миқдорини бироз камайтиришни ёки олинаётган солиқнинг маълум қисмини бевосита ёшлар эҳтиёжи учун сарфланишини сўрамоқчимиз.

• Тиббиёт

ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ

● «Билим» жамияти вилоят ташкилоти вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда тиббиёт билим юртқ қошида шафқат ҳамширалари тайёрловчи курс очди.

Тингловчилар 6 ой мобайнида тиббиётимиз тарихи, бемор танаси ҳолатини баҳолаш, парвариш қилиш ва муолажа қоидалари, бахтсиз ҳодисалар туфайли жароҳатланганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда ўткир ичак касалликларининг олдини олиш борасида билим ва кўникмаларга эга бўладилар. Машғулотларни тиббий муассасаларнинг тажрибали шифокорлари олиб боришади. Курсни битирганларга гувоҳнома берилади ва улар тиббиёт билим юртларининг кечки бўлимларига танловсиз қабул қилинадилар.

САМАРҚАНД

Нима? Қачон? Қаерда?

• Хотира

НАВОИЙДЕК БОБОМ БОР...

Тарихий шаҳарнинг улуғворлигини таъминловчи воқеалардан бири бу даргоҳга Алишер Навоийнинг табаррук пойқадами текканлигидир.

Чинни заводида мусаввир Зоя Ким, гул солувчи Мунаввара Сафиуллина, моделчи-уста Анатолий Луцай Навоий юбилейига махсус буюмлар тўпламини яратишди. Ҳадемай, буюк шоир сиймоси акс эттирилган чинни асбоблар хонадонларимизга чирой беради. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлими эса мутафаккир шоирнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» китобини чоп этди. Самарқанд дорилфунуни олимлари аллома ижодий меросини ўрганишга бағишланган тўплам тайёрладилар. Дарвоқе, дорилфунун комсомол қўмитаси юбилей шарафига талабаларнинг Бутуниттифоқ мушоирасини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

• Чанқоқбосди

«ЯНТОҚ» ВА «РОВОЧ»

Вилоят меҳнаткашлари дастурхонида пиво заводида тайёрланган янги спиртсиз ичимликлар пайдо бўлди.

«Янтоқ», «Ровоч», «Бахмал», «Гулдаста». Кўриниб турибдики, бу чанқоқбосди ичимликлар асосан узум ҳамда шифобахш тоғ ўсимликларидан тайёрланмоқда. Хушбўйлиги, ёқимли таъми иштаҳани очади, тетиклик бахш этади. Муҳими ошқозон-ичак касалликларини даволайди, қон босимини пасайтиришга, дармондорилардан наф олишга имкон беради.

— Мева-чева ва шифобахш ўсимликлардан тайёрланган ичимликлар хосияти билан диққатга сазовор, — дейди завод директори Ўктам Қаршиев. — Халқимизни бундай ўзига хос муолажадан баҳраманд этиш қувончли, албатта. Фақат мева-чевалардангина эмас, ўлкамизда мавжуд шифобахш ўсимликлар, тоғ гиёҳларидан ҳам чанқоқбосди ичимликлар тайёрлаяпмиз. Битта муаммо бор. У ҳам бўлса, тайёр маҳсулотларни қуйишга идиш топилмай турибди.

• Спорт

МЕҲНАТ САМАРАСИ

Мамажон Аҳмедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер» фахрий унвони берилди.

Бу бежиз эмас. Мамажон самарқандлик спортчию мухлисларнинг ифтихори. Иқтидорли полвон тош кўтариш бўйича бир неча бор ўзини кўрсатган. Қарийб 15 йил спортнинг оғир атлетика турини ривожлантиришга ҳисса қўшди. Бугунги кунда ёшларнинг меҳрибон устози, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари. Қарийб ўн йилдан бери вилоятда физкультура ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш йўлида қуйинчаклик қилмоқда. Унинг хайрли ишларидан бири Даргон канали бўйида машғулотлар ўтказиладиган ажойиб маскан вужудга келтиргани бўлди.

Мамажон ташаббуси билан қуруқ ерда эшкак эшиш базаси вужудга келди. Бу ерда мамлакат терма командаси машғулот ўтказиши, мусобақа уюштириши учун имконият бор. Республикамизнинг Андрей Фомин, Наримон Абляизов, Ирина Сергеева каби Ўзбекистон чемпионлари, мамлакат терма командаси аъзолари каби маҳоратли ёшларнинг камол топишида ҳам М. Аҳмедовнинг ҳиссаси бор. У Самарқандда спортнинг миллий турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Таниқли полвон Аҳрор Ражабов соврини учун ўтказилаётган беллашув ҳам шундан далолат.

Мамажон Аҳмедов ўзи яшаб турган «Оби-маҳшад» маҳалласида раислик қилмоқда. У шаҳар Кенгашининг депутати. Маҳаллада ташкил этилган спорт шаҳарчаси эса ёшлар билан ҳамиша гавжум.

Суратқаш В. Тимченко Мамажон Аҳмедовни шогирдлари даврасида акс эттиришни ҳаракат қилган.

• Қадриятларимиз

БОҒ БАҒРИДА

Тарихий манбаларда ёзилишича, Темурийлар сулоласи даврида Самарқандининг чор атрофида 12 та катта боғ бўлган экан. Боғибаланд, Боғизағон, Боғишамол, Боғибеҳишт, Боғдилкушо, Боғижаҳоннамо.

Вилоят раҳбарлари қадимий боғларни тиклашга чорладилар. Хайрли иш минглаб самарқандликлар қалбига эзгулик уруғини сочди. Биргина ўтган йили шаҳар атрофида 2 минг гектардан ортиқ майдонга ток ва мевали дарахт ниҳоллари ўтқазилди. Сўнгги икки йил ичида Темурийлар кўҳна боғлари янада кенгайди. Жомий, Навоий, Улуғбек, Хончорбоғ, Нуроний, Даҳбет, Зарафшон боғлари барпо этилди. Эндиликда ҳар битта боғ марказида нақшинкор кўшк ва чойхона, ҳордиқ маскани ҳам бўлади.

✦

(Ахборотлар туркумини «Совет Ўзбекистони» мухбири **Фармон ТОШЕВ** тайёрлаган).

БЕҒАМЛИК ҚАЧОНГАЧА?

• Луқма

Ватанпарварлик — ўзи туғилган заминга, эл—юртига, халқи, қон-қардош бирадарларига ҳурмат, меҳр-муҳаббат ифодасидир. Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларида, чет элларда ҳам бўлганман. Давраларда ҳамсуҳбатдошларим каби мен ҳам ўз она шаҳрим Тошкентнинг чиройи, сўлим табиати, саховатли замини, озода гўшаларини кўп мақтаганман. Аммо бир воқеа сабаб бўлди-ю бу ҳақда ўйлаб гапирадиган бўлдим.

Яқинда таксида кетаётганимда ёнимда ўтирган меҳмон йигитнинг сўзлари эътиборимни тортди.

— Тошкент ҳақиқатан ҳам чиройли шаҳар экан. Менга жуда ёқди. Аммо хафа бўлмайсизлар-у озодаликка келганда эътибор йўқ-қа ўхшайди...

Очиғини айтганда, унинг сўзлари ғуруримга тегди.

— Шаҳримизни яхши айланмабсиз. Айрим жойларда бирор сабаб билан вақтинча қаралмаган ерларга кўзингиз тушган кўринади, — дедим унга.

Буни қарангки, меҳмон билан йўлимиз бир чиқиб қолди. У ҳам «Шифокорлар шаҳарчаси»да яшайдиган врач дўстиникига кетаётган экан. Бекатда тушиб у ёққа пиёда кетдик. Икки уй, яъни 22- ва 15-уйлар оралиғидан ўтиб каттагина майдонга чиқдик. Тўғриси, шу ерга келганда оёқларим ўз-ўзидан юрмай қолди. Меҳмон олдида бир замбил-у икки ҳаммол керак эди менга.

Чунки, ҳаммаёқ ифлос эди. Бир неча жойда ахлат уюмлари. Атрофда дайди мушуклар изғиб юрибди. Бундан ўн-ўн икки йил олдин қурилган уйлардан ортиб қолган бетон, темиртерсак қолдиқлари. Ёқилган ахлатлардан чиқаётган аччиқ тутунидан нафас олиш қийин.

Мулзам бўлганлигимдан меҳмонга хайр-хўшни насия қилиб, рўпарада қўринган уйнинг ичига ўзимни урдим. Шундан бери хаёлимдан бир фикр кетмайди. Нима учун одамлар ўзлари бажаришлари лозим бўлган ишни бажаришмайди? Оладиган маошларини ҳалоллаб олишмайди? Қилинмаган юмуш, чала бажарилган иш учун ҳақ олишга виждонлари қандай йўл қўяркин! Ахир, уларнинг лоқайдлиги, боқибеғамлиги, кўзбўямачилиги одамларга қимматга тушяпти-ку?! Ахлатларни ўз вақтида олиб кетилмаслиги, катта-катта майдонлар ободонлаштирилмаганлиги оқибатида экологик аҳвол ёмонлашиб бормоқда. Бу одамларнинг соғлиғига катта зарар эканлигини ортиқча таъкидламаса ҳам бўлади.

Масъулиятсизлик, бепарволик, бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури қабилида иш юритиш, айниқса, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов ноҳияси ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларига хос, дейиш мумкин. Бунга асос бор. Масалан, рўзномамизнинг ўтган йил 5 январь сонида муштарий Ж. Олимованинг «Қувонч ўрнига ноҳушлик» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда хусусан «Шифокорлар шаҳарчаси»даги Г-30 22-, 3-, 2-уйларга яқин жойда ахлат уюмлари олиб кетилмаётганлиги танқид қилинган эди. Шундан бери бир йилдан ошиқ вақт ўтган бўлсада бу ерда яхши томонга ўзгариш бўлиш ўрнига аксинча бўлди. Ахлатлар кўпайди, ташиб кетиш эса сустлашди.

Шу ерда яшовчи аҳоли атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳақида ноҳия ижроия қўмитасига бир неча йилдан бери илтимос қилиб келмоқда. Бироқ мутасадди ўртоқлар уларнинг арзи-додини эшитиб эшитмаганга олишяпти.

Район раҳбарларининг шаҳримизни ободонлаштириш, озода сақлаш ишига панжа орасидан қарашига истаганча мисол келтириш мумкин. Рўзномамизнинг шу йил 16 январь сонида Сарбон кўчасидаги Лаъл Баҳодир Шастри ҳайкали атрофи ахлатхонага айлантириб қўйилганлиги ҳақида танқидий мақола эълон қилинди. Собир Раҳимов ноҳия ободончилик бошқармаси бу ҳақда муҳарририятга жавоб беришни ҳам лозим топмади.

Сўнгги пайтда рўзномамиз муҳарририятига жойлардаги етишмовчиликлар, суиистеъмолликлар, меҳнаткашларнинг талабларига тўғраларча муносабатларга оид хат-хабарлар бир мунча кўпайди. Бу ниманинг оқибати?

Бизнингча, жамиятимизда ҳар бир кишининг ўз ўрни, вазифаси бор. Агар ҳар ким вазифасини ҳалол, виждонан, бекаму кўст бажарса, шикоят ва аризаларга ўрин қолмасди. Турмушимиз тобора фаровон, гўзал, завқли бўлаверарди. Аммо ҳозирча бунинг акси кузатилмоқда. Шундай экан, юқори раҳбар органлар ижрони назорат қилишни кучайтиришлари керак эмасми?

К. РИХСИЕВ.

СПОРТ

КУРАШ:

ЯНА БИРИНЧИ

● Испаниядан хушхабар келди. Дзюдо кураши бўйича жумҳуриятимизнинг биринчи мамлакат чемпиони, тошкентлик Шуҳрат Ғофуров ғалаба қозонгани маълум бўлди. У сафарда ўтказилган очиқ чемпионатда 65 килограмм вазнли тенгқурларидан устун келиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Энди Шуҳрат Европа чемпионатига ҳозирлик кўради.

ГИМНАСТИКА:

ОЛТИН ВА КУМУШ

● Москвада «жаҳон юлдузлари» ўртасида ўтказилган халқаро мусобақа муҳлисларда яхши таассурот қолдирди. 23 мамлакат гимнастикачилари қатнашган ўзига хос нафосат баҳсида совет спортчилари маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Тошкентлик Оксана Чусовитина ҳам бўш келмади. Сиэтл шаҳрида ўтказилган Яхши ният ўйинларининг ғолиби бўлган гимнастикачи иккита медаль билан қайтди. У эркин машқларни бажаришда 9,95 балл билан зафар қучди. Таяниб сакраши 9,831 балл ҳисобида баҳоланди. Шундай қилиб, Оксана жаҳон кубоги мусобақаларига тайёргарлик тарзида ўтказилган баҳсда қўш медалли бўлди.

ФУТБОЛ:

«ОРОЛ» ОЛДИНДА

● Ўрта Осиё минтақаси жамоалари ўртасида 3-тур ўйинлари бўлди. Ҳозирча, Нукуснинг «Орол» футболчилари учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, 6 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Соҳибкор», «Трактор» жамоаларида 5 тадан очко тўпланди. «Умид», «Бинокор» ва «Хўжанд» футболчилари 4 тадан очколи бўлишди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ТОШКЕНТ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ТЕХНИКУМИ
«ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚШУНОСЛИК» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА 1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: ўрта маълумотли, ёши 30 гача бўлган йигит-қизлар: **СИРТҚИ БЎЛИМГА** эса ёшидан қатъий назар ўрта маълумотли, ижтимоий таъминот органларида камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Ўқиш муддати кундузги бўлимда 2 йил, сиртқи бўлимда эса 2 йилу 6 ой.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисида аттестат, медицина справкаси (086/У форма), 4 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Паспорт, ҳарбий билет ва ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Аризалар кундузги бўлимга 1 июндан 31 июлгача, сиртқи бўлимга 3 майдан 10 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари: она (рус) тили ва адабиёт (диктант), СССР тарихидан (оғзаки).

Имтиҳонларни КУНДУЗГИ БЎЛИМГА кираётганлар 1 августдан 21 августгача, **СИРТҚИ БЎЛИМГА** кираётганлар 11 августдан 20 августгача топширадилар.

Бундан ташқари Тошкент ҳуқуқшунослик ижтимоий таъминот техникуми

«ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲУҚУҚШУНОСЛИК» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

ШАРТНОМА АСОСИДА

КУНДУЗГИ (1 та группа) **ВА СИРТҚИ БЎЛИМГА** (1 та группа)
1991—1992 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент ҳуқуқшунослик ижтимоий таъминот техникуми корхона, муассаса ва ташкилотлар билан шартнома тузадилар.

Шартнома бўйича аризалар 3 майдан 10 июлгача қабул қилинади.

Мурожаат этиш учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 47-уй.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИЙ ИЛМГОҲИНИНГ МАХСУС ҚУЛЛИЁТИДА

корхоналарнинг раҳбарлари, иқтисодчилари, молиячилари ва бош ҳисобчилари учун бозор иқтисодиёти шароитида молия-кредит омилларидан фойдаланиш масалалари бўйича

КУРСЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ўрганиш учун қуйидаги масалалар тавсия этилади ва кўриб чиқилади:

— банкларнинг тижоратлаштирилувчи ва уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришдаги ўрни;

— қимматли қоғозлар ва фонд биржаси (воситачилиги)нинг ташкил этилиши;

— корхоналардаги ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий этиш ва техника харид қилиш учун маблағ ажратиш (лизинг) ва молиявий таъминлашнинг муқобил кўриниши;

— тўлов қобилиятини аниқлаш орқали корхоналарнинг банклар билан бўладиган кредит муносабатларининг янгича йўлга қўйилиши.

Ўқиш муддати — бир ой.

Ўқиш учун — 250 сўм ҳақ тўланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй, 14-қават, 7-хона. Телефон: 45-49-59.

1991 ЙИЛ 25—27 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
«ЁШЛИК» СПОРТ КОМПЛЕКСИ БИНОСИДА

халқ истеъмоли ортиқча ва тақчил молларнинг улгуржи савдоси ҳамда харидн бўйича

жумҳуриятлараро ёйма савдо ўтказилади

Сотиладиган ортиқча моллари бўлган улгуржи, чакана-савдо ташкилотлари ва саноат корхоналари, ширкатлар, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан барча Иттифоқдош жумҳуриятларнинг вакиллари ёйма савдода иштирок этиш учун таклиф қилинадилар.

Ёйма савдо қатнашчилари 1991 йил 23—24 апрель кунлари фақат Ўзбекистон савдо воситачилиги ташкилотининг таклифномалари бўйича келишлари лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКИСТОН САВДО ВОСИТАЧИЛИГИ ТАШКИЛОТИ «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ».

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи ректорати, фирқа қўмитаси, касаба уюшмаси ва назарий электротехника кафедраси ходимлари, шу кафедра доценти М. Ёқубовга онаси

Ғофура ЁҚУБОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Тошкент вилояти кенгашининг «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Сирли олам» ойномаси бош мўҳаррир ўринбосари У. Сайфийга акаси

Восил ОТАЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Ш. Ҳасановга акаси

Илҳом ҲАСАНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият телекўрсатув марказининг раҳбарияти, фирқа ва касаба уюшмаси қўмиталари ҳамда жамоаси овоз режиссёри

Абдулла ТУЛАГАНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоятининг Тошкент ноҳиясидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалиги партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари пенсионер Ҳ. Шоюнусовага фарзандлари

Шопўлат ва Шоғиёс ЗИЁДОВЛАРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 64. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12